

Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида давлат хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширилиши.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги №ЎРҚ-537-сонли “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПК-4290-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори талабларига биноан амалга оширилади.

Қашқадарё вилоятида ҳозирги кунга қадар жами 7та Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича иш олиб борилмоқда лойиҳалар Соғлиқни сақлаш муассасаларига тегишли бўлган бўш турган фойдаланилмаётган бинолар ҳамда ошқоча ер майдонларида амалга оширилмоқда. Шундан;

Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли собиқ 4-сон оилавий поликлиникаси биноси негизида давлат-хусусий шериклик асосида кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил этиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Durbek Med Servis" хусусий корхонаси ўртасида 10 йил муддатга давлат-хусусий шериклик битими имзоланган эди. Мазкур битимга асосан 1,1 миллиард сўм инвестиция киритилиши ҳамда 28та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги вақтга қадар тадбиркор томонидан 2.0 миллиард сўмлик ишлар бажарилиб жорий йилнинг 20 август кунидан ўз фаолиятини бошлаган. Тиббиёт маркази гинекология, хирургия, урология йўналишлари бўйича фаолият юритади. Келгусида марказга жами 4 миллиард сўмлик тиббий жиҳозлар яъни МСКТ, лапараскоп ва эндоурология ускуналарини келтириш, микроинвазив жарроҳлик амалиётларини ташкил этиш, шунингдек, бу ерда фаолият кўрсатаётган шифокорлар малакасини хориждаги нуфузли клиникаларда ошириш хусусий тадбиркор томонидан режалаштирилган.

№	ДХШ объекти	Тадбиркорлик субъектининг номи	Жами инвестиция миқдори	Лойиҳанинг номи	Ҳозирги ҳолати
1	Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмасининг (собиқ) 4-сон оилавий поликлиникаси биносида	“DURBEK MEDSERVIS” Х/К	1,1 млрд сўм	Тиббиёт маркази	2021 йил 20 август кунидан фаолиятини бошлаган

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг
Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш
бўйича бош мутахассиси

Р.Салимов